

3.3. Чикинди сақлаш қутилари жойлашган майдончалар ва чикинди тўплаш қурилмаларига автоматиналарнинг эркин яқинлашишини ва чикинди қутиларини доимо соз ҳолда сақлашни таъминлаш.

3.4. ҚМЧни ўз вақтида ташиб чиқиб кетилишини доимий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган ҳолларда _____ телефонига телефонограмма йўллаш орқали «Ижрочи»га маълумот бериш.

3.5. Бажарилган ишнинг ҳажмини «Ижрочи» нинг ҳужжатларида «Буюртмачи» вакилининг имзоси ва корхона муҳри билан тасдиқлаб бориш.

3.6. Хар ойнинг бошида ўтган ойда бажарилган иш ҳажмини бажарилганини кўрсатувчи ҳисоб далолатномасини расмийлаштириш.

4. «Ижрочи»нинг мажбуриятлари

4.1. Алоҳида шартнома асосида «Ижрочи» «Буюртмачи»га чикинди йиғиш қутиларни беғараз фойдаланиш учун топирилди.

4.2. «Буюртмачи» худудидан ҚМЧ ташланганидан махсус қутилардан махсус автомашинларда жадвал асосида чикиндиларни олиб чиқиб кетилишини таъминлаш.

4.3. «Буюртмачи»нинг буюртмасига асосан кўпимча тўлов ҳисобига қурилиш ва йирик ҳажмдаги чикиндиларни, лўх-шаббаларни олиб чиқиб кетиш учун транспорт ажратили.

4.4. «Буюртмачи» томонидан ҚМЧни ўз вақтида олиб чиқиб кетилмагани тўғрисида маълумот келиб тушгандан сўнг 1 кун муддат ичида «Буюртмачи» худудидан чикиндиларни олиб чиқиб кетиш.

4.5. Бириктирилган йўналишда санитар тозалик назоратини олиб бориш.

5. Томонларнинг жавобгарликлари

5.1. «Ижрочи» томонидан ҚМЧ келишилган вақтда олинмаган тақдирда «Буюртмачи» _____ телефон орқали «Ижрочи»нинг вакилини далолатнома тузиш учун чакиртириши керак.

Агар «Ижрочи» ушбу хабарномадан сўнг ўз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 24 соат ичида ҚМЧ олиб чиқиб кетилмаса, «Буюртмачи» жамоатчилик иштирокида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома айбдорга нисбатан шартномада кўрсатилган жазо турларини қўллаш учун асос ҳисобланади.

5.2. «Ижрочи» ўз вақтида ҚМЧ олиб чиқиб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида хар бир кун учун олиб чиқиб кетмаган ҚМЧ ҳажми қийматидан 0,5% миқдорида, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50%дан ошмаган миқдорда «Буюртмачи»га пеня тўлайди.

5.3. «Буюртмачи» шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган хар бир кун учун белгиланган муддатда тўлаямаган сумманинг 0,4% миқдоридан, лекин кечиктирилган тўловнинг 50%идан ошмаган миқдорда «Ижрочи»га пеня тўлайди.

5.4. Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

6. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

6.1. Шартномани бажариш пайтида юзага келган муаммолар томонларнинг ўзаро музокаралари орқали ҳал қилиниши мумкин бўлмаган ҳолларда иктисодий суди томонидан ҳал қилинади.

6.2. Томонларнинг манзили, корхона номи, ҳисоб рақами ўзгарган тақдирда ҳамда ҚМЧ ҳажми ўзгаришига таъсир эгувчи омиллар пайдо бўлганда бир томон иккинчи томонга 10 кун ичида ёзма маълумот беради.

6.3. Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган ҚМЧнинг ҳажми «Буюртмачи»нинг айби билан тақдим этилмаса, ёки «Буюртмачи» «Ижрочи»нинг юк ташиш ҳужжатларини расмийлаштиришдан бош тортса, «Ижрочи» жамоатчилик вакили иштирокида далолатнома тузади. Ушбу далолатнома иш тўлиқ миқдорда бажарилди деб ҳисобланишига ва тўлиқ миқдорда тўлов амалга оширилишига асос бўлади.